

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ЮЛДАШЕВ ЗАФАР БАХТИЯРОВИЧ

**ДИСКРЕТ КАСР-ЧИЗИҚЛИ ФУНКЦИОНАЛЛАР АСОСИДА
ИНФОРМАТИВ БЕЛГИЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Юлдашев Зафар Бахтиярович

Дискрет каср-чизиқли функционаллар асосида информатив белгиларни
аниқлаш усул ва алгоритмлари..... 3

Юлдашев Зафар Бахтиярович

Методы и алгоритмы выбора информативных признаков на основе
дискретных дробно-линейных функционалов.....21

Yuldashev Zafar Baxtiyarovich

Methods and algorithms for selecting informative features based on discrete linear-
fractional functionals.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ЮЛДАШЕВ ЗАФАР БАХТИЯРОВИЧ

**ДИСКРЕТ КАСР-ЧИЗИҚЛИ ФУНКЦИОНАЛЛАР АСОСИДА
ИНФОРМАТИВ БЕЛГИЛАРНИ ТАНЛАШ УСУЛИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1421 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Нарзилло Солидждонович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Кабулов Анвар Василевич
техника фанлари доктори, профессор

Утеулиев Ниетбай Утеулиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» апрел соат 12:00даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «06» апрел да тарқатилди.
(2021 йил «01» апрел даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



[Handwritten signature]

Р. Х. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

[Handwritten signature]

Ф. М. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

[Handwritten signature]

М.А.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш имконини берадиган тизимларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишларда маълумотларни қайта ишлаш ва таниб олиш масалаларини ечишга мўлжалланган математик усуллар, алгоритмлар ва дастурларни ишлаб чиқиш муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда таниб олиш ва таснифлашнинг детерминлашган, эҳтимолий, мантиқий, тузилмавий каби кўплаб усуллари мавжуд. Хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Россия Федерацияси, Германия, Хитой, Япония, Украина ва бошқа мамлакатларда тимсолларни таниб олиш ва таснифлаш тизимларини назарий ва амалий масалаларини ечишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда объект, ҳодиса ва жараёнларни оптимал бошқариш, башоратлаш, таниб олиш масалаларини ечишга йўналтирилган ва информатив белгилар орқали таниб олиш алгоритмларига асосланган интеллектуал тизимларини яратишга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, объект, ҳодиса ва жараёнлар қонуниятларини аниқлайдиган ва ривожланишини ташхислайдиган қоида ва моделларни куриш ҳамда тўпланган маълумотлардаги функционал ва мантиқий қонуниятларни топиш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш, маълумотларга дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш усуллариини ишлаб чиқиш, объектларни информатив таснифлаш, таниб олиш, информатив ва ноинформатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, халқ хўжалиги ва бошқа соҳаларини корпоратив бошқаришга ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Ушбу йўналишда ахборотларга дастлабки ишлов бериш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, жумладан, объект, ҳодиса ва жараёнлар белгилар фазосини шакллантириш ва уларни информатив таснифлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллариини жорий этиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маълумотларга дастлабки ишлов бериш, таниб олиш ва таснифлаш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ҳамда дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғриси»даги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги» Фармонлари, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодийнинг реал секторига янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумотларни таҳлил қилиш, хусусан тимсолларни таниб олиш масалаларида белгилар фазоси ўлчамини камайтиришнинг илмий асослари С.А.Айвазян, Б.Н.Адасовский, В.В.Александров, С.В.Абламейко, В.И.Васильев, Н.Д.Горский, Н.Г.Загоруйко, Г.С.Лбов, Н.А.Игнатъев, Ш.Ю.Раудис, В.В.Старовойтов, I.Marill, D.M.Green ва бошқа олимлар томонидан яратилган ва уларнинг ишларида баён этилган. Ю.И.Журавлев, М.М.Камилов, З.Т.Адылова, Р.А.Лутфуллаев, Ш.Е.Тулягановларнинг ишларида дастлабки белгининг муҳимлик ўлчови хоссалари тадқиқ этилган, бунда белгининг муҳимлик ўлчови белгини олиб ташлашда тегишли равишда қайта ишланган “овозлар” деб аталувчиларни камайтириш даражасини ифодалайди. Ушбу ўлчов усул муаллифлари томонидан белгининг ахборот оғирлиги деб аталган.

А.Л.Горелик, Г.И.Кутин, К.А.Чепонис, Д.А.Жвинерайте, Б.С.Бусыгин, Л.В.Мирошниченко, R.Fisher каби олимларнинг ишлари белгилар информативлигининг эвристик мезонлари тадқиқи ҳамда бу мезонлар асосида объектларнинг информатив тавсифини шакллантиришга мўлжалланган танлов усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Кейинчалик бу ёндошув М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, А.Х.Нишанов томонидан ривожлантирилган бўлиб, уларнинг ишларида информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг қидирув усуллари таклиф этилган ва белгиларнинг ℓ -информатив вектори тушунчаси киритилган. Р.Ҳамдамовнинг ишларида Фишер эвристик информативлик мезони асосида информатив белгиларни аниқлашнинг аналитик усулларини биринчилардан бўлиб таклиф этилган.

Тимсолларини таниб олишда белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласини ечиш билан боғлиқ тадқиқотларнинг деярли барчаси ҳал этиладиган масала учун энг мақбул мезон ва усул жуфтлигини танлашга келтирилади, яъни ҳисоблаш сарф-ҳаражатлари кам ва таниб олиш сифати

юқори бўлган мезон ва усул жуфтлигини танлаш талаб этилади. Бунда белгилар информативлигининг кенг тарқалган мезонларига мос математик асосланган усулларни яратиш муаммоси долзарб бўлиб, ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази ва Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №БВ-Атех-2018 «Юз тасвирларини оқимли қайта ишлаш асосида шахсни идентификация қилиш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2018-2019); №А5-051 «Видеокузатув тизимида динамик объектлар видеотасвирини қайта ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш» (2015-2017); №БВ-М-Ф4-09 «Норавшан муҳитда мураккаб тузилмали ахборотларга ишлов бериш, таниб олиш ва башоратлашнинг баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари мантикий-эвристик синфига асосланган интеллектуал тизимлари» (2017-2018) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дискрет каср-чизиқли функционаллар асосида объектларни информатив тавсифлаш усул ва алгоритмлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- каср-чизиқли функционаллар хоссаларини ўрганиш;
- информатив белгилар мажмуасини шакллантиришда фойдаланиладиган дискрет каср-чизиқли функционаллар хоссаларини аниқлаш;
- каср-чизиқли функционалларни шартсиз оптималлаштириш усулини ишлаб чиқиш;
- белгиларнинг ўзаро боғлиқликлари таҳлили асосида информатив белгиларни аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;
- каср-чизиқли функционаллар асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;
- информатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг мавжуд ва таклиф этилган усул ва алгоритмлари асосида дастурий мажмуа яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қийматлари “объект-хосса” жадвали кўринишда берилган объектларнинг (жараёнлар, ҳодисалар, воқеалар) белгилари (хоссалари, параметрлари, характеристикалари) олинган.

Тадқиқотнинг предмети информатив белгилар мажмуасини шакллантиришда фойдаланиладиган каср-чизиқли функционаллар, усуллар ва алгоритмлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишнинг назарий тадқиқотлари математик анализ, дискрет математика ва тимсолларни аниқлаш усулларига асосланган, информатив белгилар фазосини шакллантириш ва бу фазода номаълум объектларни таниб олишнинг компьютерли моделидан тажрибалар асоси

сифатида фойдаланилган ҳамда тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

информатив белгилар мажмуасини аниқлашда фойдаланиладиган дискрет каср-чизикли функционалларнинг ажратиш самарадорлигини инобатга олган ҳолда уларнинг хоссалари аниқланган;

белгиларнинг ўзаро боғлиқликлари асосида информатив белгиларни аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дискрет каср-чизикли функционаллар асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дискрет каср-чизикли функционаллар асосида ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси куйидагилардан иборат:

нисбатан кам сарф-ҳаражатларда олинган натижалар тўла танлов усули натижалари билан мос тушадиган информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг қидирув усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

энг мақбул «функционал-усул» жуфтлигини танлашни сезиларли камайтирадиган информативлик мезони сифатида фойдаланиладиган каср-чизикли функционаллар учун информатив ва ноинформатив белгилар мажмуасини аниқлашнинг мос усули ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласи қўйилиши корректлиги дискрет оптимизация масаласи каби қатъий математик исботланган теорема ва хоссалар кўринишидаги ҳисоблашлар ҳамда ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларни реал, модел масалалар ва тажриба синовларда олинган натижаларни солиштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив таснифини шакллантиришда каср-чизикли функционаллар асосида белгилар фазоси ўлчамини камайтиришнинг қатъий математик усуллари ишлаб чиқиш орқали тимсолларни таниб олиш назариясини ривожлантиришга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар таниб олиш ва тавсифлаш тизимлари, техник ташхислаш, робототехник тизимлар, материалшунослик, технологик жараёнлар, саноат объектларини бошқариш каби техник ва саноат иловаларни яратишда кенг кўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий таъминотни лойиҳалаш ва яратиладиган турли замонавий таниб олиш тизимларининг ишчи белгилар луғатини шакллантириш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларини қўллаш объект, ҳодиса ва жараёнларнинг информатив тавсифи орқали таснифлаш ва таниб олишга сарфланадиган манбаларни қисқартириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дискрет каср-чизикли функционаллар асосида информатив белгиларни аниқлашнинг мавжуд ҳамда

таклиф этилган усул ва алгоритмлари асосида яратилган дастурий таъминот асосида:

датчиклардан олинган маълумотлар базасини яратиш, сақлаш, қайта ишлаш, дастлабки ишлов бериш имконини берувчи каср-чизиқли функционаллар хоссалари асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усул ва алгоритмлар асосида яратилган дастурий мажмуа Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 33-8/7761-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида транспорт оқимларини баҳолаш ва тирбандликларни аниқлашга сарфланадиган вақтни 10%га қисқартириш имконини берган;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маълумотлар базасини шакллантириш, дастлабки ишлов бериш ва асосий кўрсаткичларини аниқлаш дастурий воситаси «Namangan Pharm Plant» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 33-8/7761-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида хом-ашё кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобига ишлаб чиқиладиган маҳсулот сифати турғунлиги таъминланди, бу эса сифат назоратига сарфланадиган вақтни 15%га қисқартириш имконини берган;

беморлар маълумотлар базасини шакллантириш, дастлабки ишлов бериш ва ташхислашдаги доимий назорат талаб қиладиган кўрсаткичларини аниқлаш дастурий воситаси Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри кўп тармоқли поликлиникасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 33-8/7761-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ташхислашга сарфланадиган вақтни 10% га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, 4 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 3 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот

объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологияларининг устувор йўналишлари мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асослаб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тимсолларни таниб олишда информатив белгилар фазосини шакллантириш мезонлари ва усуллари» деб номланган биринчи боби белгилар информативлигининг эвристик мезонларини таҳлили ва тартиблашга, ўқув танланмаси объекти кўринишида ифодалаш мумкин бўлган информатив белгилар фазосини шакллантириш усулларига бағишланган.

Мазкур бобнинг 1.1-параграфида ўқув танланма объектларининг “ажралиш” баҳосига асосланган белгилар информативлигининг эвристик мезонлари таҳлили натижалари ва бунда айнан Фишер типдаги 0-тартибли, бир жинсли k -тартибли ва бир жинсли бўлмаган эвристик мезонлар келтирилган. Кўриб чиқилган мезонларнинг умумий кўринишлари ҳам келтирилган.

1.2-параграф Фишер типдаги 0-тартибли бир жинсли информативлик мезонлари асосида информатив белгилар фазосини шакллантириш усуллари таҳлилига бағишланган бўлиб, унда кенг тарқалган “қисман танлов” усулларига алоҳида эътибор берилган. Бундан ташқари, мазкур бобнинг 1.3-параграфида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари келтирилган.

Диссертациянинг «Белгилар ўзаро боғлиқликлари асосида информатив ва ноинформатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи боби каср-чизиқли функционаллар кўринишдаги информативлик мезонлардан фойдаланган ҳолда информатив ва ноинформатив белгилар фазосини шакллантириш усуллари ва алгоритмлари тадқиқи ва яратилишига бағишланган.

2.1-параграфда А.Л.Горелик, М.М.Комилов, Ш.Х.Фозилов, Р.Ҳамдамов, А.Х.Нишонов ва Н.С.Маматовларнинг ишларига мос ҳолда ишнинг назарий қисмини баён қилиш учун фойдаланиладиган асосий тушунчалар, таъриф ва белгилашлар киритилган.

Фараз қилайлик, $x_{11}, x_{12}, \dots, x_{1m_1}, x_{21}, x_{22}, \dots, x_{2m_2}, \dots, x_{k1}, x_{k2}, \dots, x_{km_k}$, ўқув танланмаси берилган ва ҳар бир объектлар тўплами $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p}$ маълум бир $X_p, p = \overline{1, k}$ синфга тегишли бўлсин.

Ҳар бир x_{pi} -объектнинг белгилари N -ўлчовли сон қийматли вектор кўринишида ифодаланган бўлсин, яъни $x_{pi} = (x_{pi}^1, x_{pi}^2, \dots, x_{pi}^N)$.

Берилган объектлар ўқув танланмалари $x_{p1}, x_{p2}, \dots, x_{pm_p} \in X_p, p = \overline{1, k}$ учун информатив белгилар қисм фазосини бир қийматли характерловчи

$\lambda = (\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_N)$ ($\lambda_i \in \{0;1\}, i = \overline{1, N}$) векторни киритиб оламиз. Бу ерда x_{pi} - N-ўлчовли белгилар фазоси вектори. λ векторнинг бирга тенг бўлган компоненталарига мос келувчи белгилар ажратиб олинаётган қисм фазода иштирок этишини билдирса, нолга тенг бўлган компоненталари эса унга мос белгиларни ажратиб олинаётган қисм фазода иштирок этмаслигини билдиради.

$\{x: (x^1, x^2, \dots, x^N)\}$ - барча белгилар фазосини Евклид фазоси деб ҳисоблаймиз ва уни R^N орқали белгилаймиз.

Таъриф 1. $R^N = \{x = (x^1, x^2, \dots, x^N)\}$ фазони λ бўйича акслантирмаси деб $R^N|_{\lambda} = \{x|_{\lambda} = (\lambda_1 x^1, \lambda_2 x^2, \dots, \lambda_N x^N)\}$ фазога айтилади.

R^N фазодаги x, y объектлар орасидаги акслантирма масофа сифатида $R^N|_{\lambda}$ фазодаги икки $x|_{\lambda}$ ва $y|_{\lambda}$ объектлар орасидаги

$\|x - y\|_{\lambda} = \sqrt{\sum_{k=1}^N \lambda_k (x^k - y^k)^2}$ Евклид масофасини оламиз.

Таъриф 2. λ вектор ℓ -информатив дейилади, агарда унинг компоненталари йиғиндиси ℓ га тенг бўлса, яъни $\sum_{i=1}^N \lambda^i = \ell$.

Ҳар бир қисм системадаги λ ℓ -информатив вектор учун унга мос ℓ -ўлчовли белгилар қисм фазоси аниқланган ва бу қисм фазоларда λ мос Евклид нормасидан фойдаланамиз.

X_p синфнинг характерловчи белгиларнинг ўртача қиймати \bar{x}_p қуйидагича аниқланади:

$$x_p = \frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^{m_p} x_{pi}, p = \overline{1, k}.$$

Қуйидаги функцияни киритиб оламиз:

$$r_p(x_p, x) = \sqrt{\frac{1}{m_p} \sum_{i=1}^N r(x_p, x_i)}.$$

$r_p(x_p, x)$ функция X_p синфдаги λ вектор асосида ажратиб олинган объектларнинг боғланишлари бўйича ўртача тарқоқлигини ифодалайди. Информативлик мезони сифатида қуйидаги функционални оламиз:

$$I(\lambda) = \frac{r(\bar{x}, \bar{y})}{\sum_{p=1}^h r_p(x_p, x)}. \quad (1)$$

Мазкур функционал Фишер функционалининг содда кўринишини ифодалайди.

Қуйидаги белгилашларни киритиб оламиз:

$$a = (a^1, a^2, \dots, a^N); b = (b^1, b^2, \dots, b^N), a_i = r(\bar{x}_i, \bar{y}_i), b_i = \sum_{j=1}^N r(x_i, x_j), i = \overline{1, N}.$$

У ҳолда (1) функционал қуйидаги кўринишга келади.

$$I(\lambda) = \frac{(a, \lambda)}{(b, \lambda)},$$

бу ерда $(*, *)$ -векторларнинг скаляр кўпайтмаси.

a^j, b^j коэффициентлар λ га боғлиқ бўлмагани учун олдиндан ҳисоблаб олиш мумкин. $I(\lambda)$ мезонни ҳар бир λ га мос қийматини топиш учун N тартибли амаллар бажариш зарур бўлади.

2.2-параграф белгиларнинг ўзаро боғлиқликлари асосида информатив белгилар мажмуасини аниқлаш усуллари ишлаб чиқишга бағишланган. “Тартибланиш” усулини оптималлик шартлари қуйидаги масала учун келтирилган:

$$\begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \max, \\ \lambda \in \Lambda^l, \lambda_i = \{0, 1\}, i = \overline{1, N}, \\ a, b \in R^N, a_i \geq 0, b_i > 0, i = \overline{1, N}, \end{cases} \quad (2)$$

бу ерда $\Lambda^l - l$ - информатив белгилар тўплами:

$$\Lambda^l = \left\{ \lambda \mid \lambda_i = \{0, 1\}, i = \overline{1, N}, \sum_{i=1}^N \lambda_i = l \right\}.$$

Фараз қилайлик, a ва b векторлар компоненталарига нисбатан мос равишда қуйидагича тартибланган бўлсин:

$$\frac{a_1}{b_1} \geq \frac{a_2}{b_2} \geq \dots \geq \frac{a_N}{b_N}. \quad (3)$$

a, b ва $c \geq 0, d > 0 (a + c \geq 0, b + d > 0)$ ҳақиқий сонлар учун қуйидаги хоссалардан бири ўринли:

1°. Агар $a > 0, b > 0$ бўлиб, $\frac{c}{d} > \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}$ бўлади.

2°. Агар $a > 0, b > 0$ бўлиб, $\frac{c}{d} < \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}$ бўлади.

3°. Агар $a < 0, b < 0$ бўлиб, $\frac{c}{d} < \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} > \frac{a+c}{b+d} < \frac{c}{d}$ бўлади.

4°. Агар $a < 0, b < 0$ бўлиб, $\frac{c}{d} > \frac{a}{b}$ бўлса, у ҳолда $\frac{a}{b} < \frac{a+c}{b+d} > \frac{c}{d}$ бўлади.

5°. Агар $a \geq 0, b \leq 0$ бўлса, у ҳолда $\frac{a+c}{b+d} \geq \frac{c}{d}$ бўлади.

6°. Агар $a \leq 0, b \geq 0$ бўлса, у ҳолда $\frac{a+c}{b+d} \leq \frac{c}{d}$ бўлади.

Энди қуйидаги белгиланишларни киритайлик:

$$A = \sum_{i=1}^{\ell} a_i, B = \sum_{i=1}^{\ell} b_i, \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1, \ell}, j = \overline{\ell + 1, N} \end{cases}, \lambda = \left(\underbrace{1, 1, \dots, 1}_{\ell \text{ ма}}, \underbrace{0, 0, \dots, 0}_{N - \ell \text{ ма}} \right).$$

Юқоридаги хоссаларда $a = \Delta a_{ij}, b = \Delta b_{ij}, c = A, d = B$ деб олсак, у ҳолда

$$\forall i, j \text{ лар учун } \begin{cases} A + \Delta a_{ij} \geq 0, \\ B + \Delta b_{ij} > 0 \end{cases} \text{ бўлиб, юқоридаги хоссалардан бири ўринли}$$

бўлади.

1-теорема. Тартибланган (3) кетма-кетлик ёрдамида танлаб олинган λ вектор (2) масаланинг мақбул ечим бўлиши учун 2-хосса ва 4-хосса шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}, b = \Delta b_{ij}$ ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Агар (3) кетма-кетлик ёрдамида олинган λ вектор (2) масаланинг ечими бўлмаса, у ҳолда (2) масаланинг мақбул ечимини аниқлаш учун 2- ва 4-хоссалар асосида алмаштиришлар бажарилади. Алмаштириш жараёни 2- ва 4-хоссалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} мавжуд бўлмагунча давом этирилади. Агар 2- ва 4-хоссалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} қолмаса, 1-теорема натижасига кўра ҳосил бўлган ечим мақбул.

Мазкур усулда функционалнинг қиймати ва λ векторнинг компоненталари хоссалар асосида қуйидагича шакллантирилади.

Фараз қилайлик, Δa_{ij} ва Δb_{ij} лар учун 2-ёки 4-хоссалардан бири ўринли бўлсин. У ҳолда хоссалар натижасига кўра $\frac{A + \Delta a_{ij}}{B + \Delta b_{ij}} > \frac{A}{B}$ тенгсизлик ўринли

бўлади ва λ векторнинг i - ва j -компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади.

Ушбу усул асосида яратилган қуйидаги алгоритм диссертация ишида A_1 орқали белгиланган.

1-қадам. $\lambda = \{ \underbrace{1, 1, \dots, 1}_{\ell}, 0, 0, \dots, 0 \}$ га тенг бўлган λ вектор берилади.

2-қадам. A ва B ларнинг қийматлари ҳисобланади, яъни $A = (a, \lambda), B = (b, \lambda)$.

3-қадам. $i = 1, j = N; A_1 = A, B_1 = B$ ўзлаштириш амалга оширилади.

4-қадам. Δa_{ij} ва Δb_{ij} лар ҳисобланади.

5-қадам. 4-хосса шартлари текширилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} 4-хосса шартларини қаноатлантирса, хосса натижаси асосида алмаштиришлар бажарилади, яъни λ векторнинг i - ва j -компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади, $A = A + \Delta a_{ij}, B = B + \Delta b_{ij}$ ҳисобланади ва 7-қадамга ўтилади.

6-қадам. 2-хосса шартлари текширилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} ушбу хосса шартларини қаноатлантирса, λ векторнинг i - ва j -компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади ва $A = A + \Delta a_{ij}, B = B + \Delta b_{ij}$ ҳисобланади.

7-қадам. $j > \ell$ шарт текширилади. Агар у бажарилса, $j = j - 1$ ўзлаштириш амалга оширилади ва 4-қадамга ўтилади.

8-қадам. $i < \ell$ шарт текширилади. Агар у бажарилса, $i = i + 1$ ўзлаштириш амалга оширилади ва 4-қадамга ўтилади.

9-қадам. $A_1 = A$ ва $B_1 = B$ шартлар текширилади. Агар улар бажарилса, у ҳолда λ оптимал ечим бўлади ва 10-қадамга, акс ҳолда 3-қадамга ўтилади.

10-қадам. Тамом.

Кўп ҳолларда дастлаб олинган вектор (2) масаланинг мақбул ечими бўлиши мумкин. Қуйида келтириладиган теорема орқали ихтиёрий олинган векторнинг (2) масаланинг қачон мақбул ечим бўлишини аниқлаш имкони пайдо бўлади.

$\forall \lambda \in \Lambda^\ell$ танланган бўлсин.

2-теорема. Танланган λ вектор (2) масаланинг оптимал ечими бўлиши учун 2-хосса, 4-хосса ва 5-хосса шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}$ ва $b = \Delta b_{ij}$ ($i = \overline{1, l}, j = \overline{l+1, N}$) ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

λ вектор (2) масаланинг ечими бўлмаса, у ҳолда 2-, 4- ва 5-хоссалар асосида алмаштиришлар бажарилади. Алмаштириш жараёни 2-, 4- ва 5-хоссаалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} мавжуд бўлмагунча давом эттирилади. Агар Δa_{ij} ва Δb_{ij} 2-, 4- ва 5-хоссалар шартларини қаноатлантирувчи Δa_{ij} ва Δb_{ij} мавжуд бўлмаса, 2-теорема натижасига кўра олинган ечим мақбул.

Мазкур усулда функционалнинг қиймати ва λ векторнинг компоненталари қуйидагича шакллантирилади.

Фараз қилайлик, Δa_{ij} ва Δb_{ij} лар учун 2-ёки 4-ёки 5-хоссалардан бири ўринли бўлсин. У ҳолда хоссалар натижасига кўра $\frac{A + \Delta a_{ij}}{B + \Delta b_{ij}} > \frac{A}{B}$ бўлади. λ

векторнинг i - ва j -компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади.

Алмаштириш жараёни 2-теорема шартларини қаноатлантирилгунча давом эттирилади.

2.3 параграфда белгиларни ўзаро боғлиқликлари асосида ноинформатив белгиларни аниқлаш масаласини ечиш кўриб чиқилган. Ушбу масалани қуйидаги кўринишда ифодалаб олинган.

$$\begin{cases} I(\lambda) \rightarrow \min, \\ \lambda \in \Lambda^\ell, \lambda_i = \{0, 1\}, i = \overline{1, N}, \\ a, b \in R^N, a_i \geq 0, b_i > 0, i = \overline{1, N}, \end{cases} \quad (4)$$

бу ерда $\Lambda^\ell - \ell$ ноинформатив векторлар тўплами.

Фараз қилайлик, a ва b векторларнинг компоненталари нисбатлари ўсиш тартибида тартибланган бўлсин:

$$\frac{a_1}{b_1} \leq \frac{a_2}{b_2} \leq \dots \leq \frac{a_N}{b_N}. \quad (5)$$

Ушбу масалани ечиш учун юқорида келтирилган хосса ва теоремалардан фойдаланилади ва улар диссертациянинг 2.2-параграфида келтирилган.

$$(5) \text{ бажарилгани учун дастлаб } \lambda^0 \text{ векторни } \lambda^0 = \left(\underbrace{1, 1, \dots, 1}_{\ell \text{ ма}}, \underbrace{0, 0, \dots, 0}_{N-\ell \text{ ма}} \right)$$

кўринишда оламиз ва қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A = \sum_{i=1}^{\ell} a_i, \quad B = \sum_{i=1}^{\ell} b_i, \quad \begin{cases} \Delta a_{ij} = a_j - a_i; \\ \Delta b_{ij} = b_j - b_i, i = \overline{1, \ell}, j = \overline{\ell+1, N}. \end{cases}$$

Агар юқорида келтирилган хоссаларда $a = \Delta a_{ij}, b = \Delta b_{ij}, c = A, d = B$ деб

олинса, у ҳолда $\forall i, j (i = \overline{1, \ell}, j = \overline{\ell+1, N})$ учун $\begin{cases} A + \Delta a_{ij} \geq 0, \\ B + \Delta b_{ij} > 0 \end{cases}$ бўлиб,

хоссалардан бири ўринли бўлади.

3-теорема. (5) кетма-кетлик ёрдамида шакллантирилган λ^0 вектор (4)-масаланинг мақбул ечими бўлиши учун 2- ва 4-хоссаларни қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}, b = \Delta b_{ij}$ мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Агар (5) кетма-кетлик асосида шакллантирилган λ вектор (4) масалани мақбул ечими бўлмаса, у ҳолда 2- ва 4- хоссалар асосида алмаштиришлар бажарилади ва бу жараён мазкур хоссаларни қаноатлантирувчи барча Δa_{ij} ва Δb_{ij} қолмагунча давом эттирилади. Натижада 3-теоремага кўра ҳосил қилинган ечим мақбул бўлади.

Мазкур усулда функционал қиймати ва λ вектор хоссалар асосида қуйидагича шакллантирилади.

Фараз қилайлик, Δa_{ij} ва Δb_{ij} учун 2- ёки 4-хоссалардан бири ўринли

бўлсин. Бу ҳолда $\frac{A + \Delta a_{ij}}{B + \Delta b_{ij}} > \frac{A}{B}$ эканлигини инобатга олиб, λ векторнинг мос

равишда i - ва j - компоненталари ўзаро алмаштирилади. Бунда λ векторга мос

функционал қиймати $\frac{A + \Delta a_{ij}}{B + \Delta b_{ij}}$ га тенг бўлади.

Айрим ҳолларда дастлаб олинган λ вектор (4) масаланинг мақбул ечими бўлиши мумкин. Қуйидаги теорема танланган ечимни мақбуллигини текшириш имконини беради.

Фараз қилайлик, $\forall \lambda \in \Lambda^\ell$ танланган бўлсин.

4-теорема. Танланган λ вектор (4) масаланинг мақбул ечими бўлиши учун 2, 4 ва 5 хоссалар шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta a_{ij}$ ва $b = \Delta b_{ij}$ ($i = \overline{1, \ell}, j = \overline{\ell+1, N}$) ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Агар λ вектор (4) масаланинг мақбул ечими бўлмаса, у ҳолда 2, 4 ва 5 хоссалар асосида алмаштириш амалга оширилади.

Алмаштириш жараёни 2, 4 ва 5 хоссалар шартларини қаноатлантирувчи барча Δa_{ij} ва Δb_{ij} лар қолмагунча давом эттирилади ва бунда 4-теоремага мувофиқ топилган ечим мақбул бўлади.

Ушбу усулда функционал қиймати ва λ вектор компоненталари қуйидагича аниқланади.

Фараз қилайлик, Δa_{ij} ва Δb_{ij} лар учун 2, 4 ва 5 хоссалардан бири ўринли бўлсин. Бундай ҳолда, ушбу хоссаларга мувофиқ $\frac{A + \Delta a_{ij}}{B + \Delta b_{ij}} > \frac{A}{B}$ муносабат

ўринли бўлади ва λ векторнинг i ва j компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади.

Кетма-кет ўзаро алмаштириш жараёни 4-теорема шартлари бажарилмагунча давом этади.

Диссертациянинг «**Дискрет каср-чизикли функционаллар асосида информатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмлари**» деб номланган учинчи бобида дискрет каср-чизикли функционаллар асосида информатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмлари таклиф этилган.

Мазкур бобнинг 3.1-параграфида 0-тартибли каср-чизикли функционал асосида информатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритми келтирилган.

Дискрет оптимизация масаласи – бу чекли ёки санокли дискрет D тўпламда берилган f функциянинг максимуми ёки минимумини топиш масаласидир.

$$f(x) \rightarrow \text{extr}, x \in \Omega$$

f функция мақсад функция дейилади, Ω тўплам элементлари – мумкин бўлган ечимлар деб аталади.

Дискрет тўплам берилган бўлсин: $\Omega = \Omega_1 \cup \Omega_2 \cup \dots \cup \Omega_N$,
 $m_i = |\Omega_i|, i = \overline{1, N}$, $|\Omega| = \prod_{i=1}^N m_i$ ва $f(\alpha, \beta, x) = \frac{\sum_{i=1}^N \alpha_i x_i}{\sum_{i=1}^N \beta_i x_i}$ каср-чизикли функция,

бунда $x_i \in \Omega_i, i = \overline{1, N}$.

Ω тўпламда қуйидаги оптималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз

$$\begin{cases} f(\alpha, \beta, x) \rightarrow \max, \\ x_i \in \Omega_i, i = \overline{1, N}. \end{cases} \quad (6)$$

$\forall x_i, y_i \in \Omega_i, x_i \neq y_i, i = \overline{1, N}$ танланган бўлсин.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A = \sum_{i=1}^N \alpha_i x_i, B = \sum_{i=1}^N \beta_i x_i, \begin{cases} \Delta \alpha_t = \alpha_t (y_t - x_t) \\ \Delta \beta_t = \beta_t (y_t - x_t) \end{cases}, t = \overline{1, N}.$$

Агар хоссаларда $a = \Delta \alpha_t, b = \Delta \beta_t, c = A, d = B$ деб олинса, у ҳолда

$$\forall t (t = \overline{1, N}) \text{ учун } \begin{cases} A + \Delta \alpha_t \geq 0, \\ B + \Delta \beta_t > 0 \end{cases} \text{ ни ҳисобга олган ҳолда, ушбу хоссалардан}$$

бири ўринли бўлади.

$x = (x_1, x_2, \dots, x_N), x_i \in \Omega_i, i = \overline{1, N}$ вектор берилган бўлсин.

6-теорема. Танланган x вектор (8) масаланинг мақбул ечими бўлиши учун 2, 4 ва 5 хоссалар шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta \alpha_i$ ва $b = \Delta \beta_i$ ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

Агар x вектор (6) масаланинг мақбул ечими бўлмаса, у ҳолда 2, 4 ва 5 хоссалар асосида алмаштириш амалга оширилади.

Алмаштириш жараёни 2, 4 ва 5 хоссалар шартларини қаноатлантирувчи барча $\Delta \alpha_i^{(k)}$ ва $\Delta \beta_i^{(k)}$ лар қолмагунча давом эттирилади ва бунда 6-теоремага мувофиқ топилган ечим мақбул бўлади.

Ушбу усулда функционал қиймати ва x вектор компоненталари қуйидагича аниқланади.

Фараз қилайлик, $\Delta \alpha_i^{(k)}$ ва $\Delta \beta_i^{(k)}$ лар учун 2, 4 ва 5 хоссалардан бири ўринли бўлсин. Бундай ҳолда, ушбу хоссаларга мувофиқ $\frac{A + \Delta \alpha_i}{B + \Delta \beta_i} > \frac{A}{B}$

муносабат ўринли бўлади ва x векторнинг i ва j компоненталари қийматлари ўзаро алмаштирилади.

Кетма-кет ўзаро алмаштириш жараёни 6-теорема шартлари бажарилмагунча давом этади.

(6) масалани тўла танлов усулида ечилганда ўзаро алмаштиришлар сони $\prod_{i=1}^N m_i$ тани ташкил қилади, таклиф этилган усулда эса мақбул ечим $\sum_{i=1}^N m_i$ та алмаштиришда амалга оширилади.

3.2-параграфда эса «-1» -тартибли каср-чизикли функционал асосида ℓ -информатив белгиларни аниқлаш масаласини ечиш кўриб чиқилган. Ушбу масалани қуйидаги кўринишда ифодалаб олинган.

Дискрет тўпلام берилган бўлсин: $\mathfrak{I} = \mathfrak{I}_1 \cup \mathfrak{I}_2 \cup \dots \cup \mathfrak{I}_N,$

$$p_i = |\mathfrak{I}_i|, i = \overline{1, N}, |\mathfrak{I}| = \prod_{i=1}^N p_i \text{ ва } \varphi(\alpha, \beta, \gamma, x) = \frac{\sum_{i=1}^N \alpha_i x_i}{\sum_{i=1}^N \beta_i x_i \square \sum_{i=1}^N \gamma_i x_i} \text{ «-1»-тартибли}$$

каср-чизикли функция, бу ерда $x_i \in \mathfrak{S}_i, i = \overline{1, N}, \sum_{i=1}^N \beta_i x_i \square \sum_{i=1}^N \gamma_i x_i \neq 0$.

Таъриф 3. φ функция k -тартибли бир жинсли функция дейлади, агар $\forall \beta \in R, (\beta \neq 0)$ учун $\varphi(\beta x_1, \beta x_2, \dots, \beta x_k) = \beta^k \varphi(x_1, x_2, \dots, x_k)$ тенглик бажарилса.

Қуйидаги мақсад функция берилган бўлсин

$$\varphi(\alpha, \beta, \gamma, x) = \frac{\sum_{i=1}^N \alpha_i x_i}{\sum_{i=1}^N \beta_i x_i \square \sum_{i=1}^N \gamma_i x_i},$$

«-1»-тартибли бир жинсли бўлсин, яъни $k = -1$.

\mathfrak{S} тўпланда қуйидаги оптималлаштириш масаласини кўриб чиқамиз

$$\begin{cases} \varphi(\alpha, \beta, \gamma, x) \rightarrow \max, \\ x_i \in \mathfrak{S}_i, i = \overline{1, N}. \end{cases} \quad (7)$$

$d, e, f > 0$ ва $e + b > 0, f + c > 0$ шартларни қаноатлантирувчи a, b, c ҳақиқий сонлар берилган бўлсин. У ҳолда қуйидаги шартлардан бири ўринли бўлади.

7^o. Агар $\frac{a}{d} \geq \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}$ бўлса, у ҳолда $\frac{d}{ef} \leq \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}$ бажарилади.

8^o. Агар $\frac{a}{d} < \frac{b}{e} + \frac{c}{f} + \frac{bc}{ef}$ бўлса, у ҳолда $\frac{d}{ef} > \frac{d+a}{(b+e)(c+f)}$ бажарилади.

$\forall x_i, y_i \in \mathfrak{S}_i, x_i \neq y_i, i = \overline{1, N}$ танланган бўлсин.

Қуйидаги белгилашларни киритиб оламиз:

$$A = \sum_{i=1}^N \alpha_i x_i, B = \sum_{i=1}^N \beta_i x_i, C = \sum_{i=1}^N \gamma_i x_i, \begin{cases} \Delta \alpha_t = \alpha_t (y_t - x_t) \\ \Delta \beta_t = \beta_t (y_t - x_t), t = \overline{1, N} \\ \Delta \gamma_t = \gamma_t (y_t - x_t) \end{cases}$$

Агар шартларда $a = \Delta \alpha_t, b = \Delta \beta_t, c = \Delta \gamma_t, d = A, e = B, f = C$ деб олинса,

у ҳолда $\forall t (t = \overline{1, N})$ учун $\begin{cases} A + \Delta \alpha_t \geq 0; \\ B + \Delta \beta_t > 0, \text{ ни ҳисобга олган ҳолда, ушбу} \\ C + \Delta \gamma_t > 0, \end{cases}$

хоссалардан бири ўринли бўлади.

$x = (x_1, x_2, \dots, x_N), x_i \in \mathfrak{S}_i, i = \overline{1, N}$ вектор берилган бўлсин.

7-теорема. Танланган x вектор (7) масаланинг мақбул ечими бўлиши учун, 1-хосса шартларини қаноатлантирувчи $a = \Delta \alpha_t, b = \Delta \beta_t$ ва $c = \Delta \gamma_t, (t = \overline{1, N})$ ларнинг мавжуд бўлмаслиги зарур ва етарли.

3.3-параграфда қуйидаги талабларга жавоб берувчи ўқув ва назорат

танланмаларидан иборат бошланғич маълумотлар базасини шакллантирилди:

- ўқув ва назорат танланмалари бир хил қонун ва қоидалар асосида яратилган бўлсин;
- ўқув ва назорат танланмалар объектларининг синфлари сони камида учта бўлсин;
- информатив белгилар сони ℓ ($1 \leq \ell \leq N$)та ва бу белгилар олдиндан маълум бўлсин.

Бундан ташқари, мазкур параграф N ўлчовли R^N белгилар фазосида қурилган учта K_1, K_2 ва K_3 синфлар учун тажрибавий тадқиқотлар натижаларини акс эттиради. N ўлчов олдиндан берилган бирор бир унча катта бўлмаган ℓ сонига қаррали қилиб олинган, яъни $N = \ell * h$ ($h \in N$). Бошланғич $x = (x_1, x_2, \dots, x_N)$ белгилар мажмуасини ҳар бир гуруҳда ℓ тадан белгини мужассамлаштирган белгилар гуруҳига ажратилган, яъни $(x_1, \dots, x_\ell, x_{\ell+1}, \dots, x_{2\ell}, x_{2\ell+1}, \dots, x_{(h-1)\ell+1}, \dots, x_{h\ell})$. Бу белгилар гуруҳи шундай ажратилганки, белгилар гуруҳлар бўйича ўзаро боғлиқсиз бўлиб, гуруҳлар ичида кучли боғланган, яъни бирор бир гуруҳ ичидаги ихтиёрий белгини чиқариб юборилса, у ҳолда ўша гуруҳ белгилари орасидаги боғлиқлик, яъни белгилар мажмуасининг информативлиги бирданига ёмонлашиб кетади.

Тадқиқотлар (7) функционал учун оптимизация масаласини таклиф этилган ва тўла танлов усуллари асосида ечиш билан боғлиқ. Таклиф этилган усулида олинган информатив белгилар мажмуасини аниқлаш натижалари тўла танлов усулида олинган натижалар билан тўла мос тушди. Бунда тўла танлов усулида итерациялар сони C_N^ℓ ни, таклиф этилган усули учун ℓ га тенг бўлди.

Диссертациянинг «**Дастурий мажмуа ва унинг амалий масалаларда қўлланилиши**» деб номланган тўртинчи боби диссертацияда таклиф этилган информатив ва ноинформатив белгиларни танлаш усул ва алгоритмларининг тажрибавий тадқиқини ўтказиш учун фойдаланиладиган ўқув ва назорат танланмалари ҳамда белгилар фазосини шакллантириш услубиятини акс эттиради. Бундан ташқари, мазкур бобда «SIFonLFF» дастурлар мажмуасинининг тавсифи ва уни амалий тадбиқи келтирилган.

Диссертациянинг 4.1-параграфида «SIFonLFF» дастурлар мажмуасини тузилмаси ва вазифалари келтирилган.

4.2-параграф «SIFonLFF» дастурлар мажмуасининг амалий тадбиқига бағишланган бўлиб, унда юрак ишемик ва онкологик хасталикка чалинган беморлардан олинган маълумотларни қайта ишлаш ва кассалик ҳолатига қаттиқ таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш амалий масалаларининг натижаларини ўзида акс эттирган.

Бу масалалар ечими натижалари мос фан соҳалари мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Илова қисмида диссертация тадқиқот натижаларини амалиётда қўлланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан дастурлар мажмуасини қонуний рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари келтирилган. Булардан ташқари иловада амалий масалаларнинг дастлабки ва статистик маълумотлари келтирилган.

ХУЛОСА

«Дискрет каср-чизиқли функционаллар асосида информатив белгиларни аниқлаш усул ва алгоритмлари» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Информатив белгиларни уларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида аниқлашнинг усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Мазкур усул ва алгоритмлар информатив белгилар ишончилигини оширишга хизмат қилди.

2. Дастлабки белгилар фазоси ўлчамини камайтириш масаласи дастлабки N -ўлчовли белгилар системасида белгилар информативлигининг берилган ўлчовдаги экстремал қийматларини берадиган шундай l -ўлчовли ($l < N$) белгилар қисм системаси топишдан иборат оптималлаштириш масаласига келтирилди. Мазкур оптималлаштириш масаласини ечиш кам сондаги белгиларда объектларни информатив тавсифлаш имконини берди.

3. 0- ва «-1»-тартибли каср-чизиқли функционаллар хоссалари таҳлили натижасида ушбу икки функционалнинг кескин фарқ қилиши аниқланди. Бунда «-1»-тартибли функционал хусумий мезонларни йиғиндисини амалга оширмайди, фақатгина бирини танлайди, яъни максимал ёки минимал. Бу эса синфлар ажралиши ишончилигини оширишга хизмат қилди.

4. Танланган ечимнинг зарурий ва етарли оптималлик шартлари аниқланди ҳамда ушбу ечимлар асосида тезкор усул ишлаб чиқилди. Ушбу усул оддий каср-чизиқли функционал асосида информатив белгилар фазосини шакллантиришда ҳосил бўлган ечимлар оптималлигини аниқлаш, шунингдек бошқа усуллар ёрдамида олинган субоптимал ечимлардан оптимал ечимларни олишда хизмат қилди.

5. 0- ва «-1»-тартибли каср-чизиқли функционаллардан фойдаланган ҳолда информатив белгилар тўпламини аниқлаш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ушбу усул ва алгоритмлар асосида олинган натижалар объектларни информатив тавсифлаш имконини берди.

6. Таклиф этилган усул ва алгоритмлар асосида «SIFonLFF» дастурий мажмуа ишлаб чиқилди. Яратилган дастурий мажмуанинг тузилиши, мақсади, вазифалари ва фойдаланувчи йўриқномаси тавсифланган. «SIFonLFF» дастурий мажмуасидан фойдаланиш натижасига кўра объектлар информатив белгиларини танлаш бўйича турли тавсиялар берилди. Дастурий мажмуа таснифлаш вақтини қисқартириш имкони берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ЮЛДАШЕВ ЗАФАР БАХТИЯРОВИЧ

**МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ВЫБОРА ИНФОРМАТИВНЫХ
ПРИЗНАКОВ НА ОСНОВЕ ДИСКРЕТНЫХ ДРОБНО-ЛИНЕЙНЫХ
ФУНКЦИОНАЛОВ**

05.01.03 - Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.2.PhD/T894.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационно-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Маматов Нарзилло Солидждонович**
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Официальные оппоненты: **Кабулов Анвар Васильевич**
доктор технических наук, профессор
Утеулиев Ниетбай Утеулиевич
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится «17» апреля 2021 г. в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №197). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «6» апреля 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «01» апреля 2021 г.).



Р.Х.Хамдамов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

М.А.Исмаилов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется разработке систем, позволяющих интеллектуально анализировать данные. В этой области разработка математических методов, алгоритмов и программ, решающих задачи обработки данных и распознавания образов, является одной из актуальных задач. К настоящему времени разработаны и исследованы разнообразные методы распознавания и классификации, такие как, детерминированные, вероятностные, логические, структурные. В зарубежных странах, в том числе в США, Германии, Российской Федерации, Китае, Японии, Украине и др., большое внимание уделяется решению теоретических и практических задач распознавания образов и классификационной обработки данных.

В мире ведутся исследовательские работы по созданию систем искусственного интеллекта, направленных на решение задач управления объектов, процессов и явлений, прогнозирования, идентификации, базирующихся на использовании алгоритмов распознавания образов. В этой связи, в том числе, важной задачей является усовершенствование методов и алгоритмов построения правил и моделей, которые определяют закономерности объектов, событий и процессов и диагностируют развитие, а также нахождение функциональных и логических закономерностей в собранных данных, разработка методов предварительной обработки исходных данных, создание методов и алгоритмов информативного описания объектов, распознавания, выбора информативных признаков, определения наборов неинформативных признаков.

В Республике информационно-коммуникационные технологии широко применяются в корпоративном управлении экономических, социальных, народно-хозяйственных и других сфер. В этом направлении особое внимание уделяется предварительной обработке и анализу информации, в частности, разработке методов и алгоритмов формирования пространства признаков объектов, явлений и процессов и информативному описанию их. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг. определены задачи по «... внедрению современных методов и стандартов в корпоративное управление, ... внедрению информационно-коммуникационных технологий в экономику, социальную сферу, систему управления»¹. Для реализации данных задач важным является создание систем предварительной обработки, распознавания и классификации данных. В этой связи, важное значение имеет усовершенствование методов и алгоритмов предварительной обработки и интеллектуального анализа данных.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, определенных указами Президента Республики

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5264 от 29 ноября 2017 года «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», постановлениями Президента №ПП-1730 от 21 марта 2012 года «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий», №ПП-2158 от 3 апреля 2014 года «О мерах по дальнейшему внедрению информационно-коммуникационных технологий в реальном секторе экономики», а также другими нормативно-правовыми актами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Научные основы предварительной обработки данных, в том числе, снижения размерности признакового пространства в задачах анализа данных, в частности, в распознавании образов, разработаны и изложены в работах С.А.Айвазяна, Б.Н.Адасовского, В.В.Александрова, В.И.Васильева, С.В.Абламейко, Н.Д.Горского, Н.Г.Загоруйко, Г.С.Лбова, Н.А.Игнатъева, Ш.Ю.Раудиса, В.В.Старовойтова, I.Marill, D.M.Green и др. В работах Ю.И.Журавлева, М.М.Камилова, З.Т.Адыловой, Р.А.Лутфуллаева, Ш.Е.Туляганова исследованы свойства использования меры важности исходного признака, представляющей собой обработанную надлежащим образом степень уменьшения так называемых «голосов» при удалении этого признака. Авторами метода эта мера названа информационным весом признака.

